

Риёзус солиҳийн шарҳи / Ҳаё ва унинг фазилати ҳамда у билан хулқланишга одатланмоққа тарғиб қилиш ҳақида / 1197-ҳадис

1197 - وَعَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَمْرٍو بْنِ الْعَاصِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا: أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «أَحَبُّ الصَّلَاةِ إِلَى اللَّهِ عَزَّ وَجَلَّ صَلَاةُ دَاوُدَ، وَأَحَبُّ الصِّيَامِ إِلَى اللَّهِ صِيَامُ دَاوُدَ، كَانَ يَنَامُ نِصْفَ اللَّيْلِ وَيَقُومُ ثُلُثَهُ وَيَنَامُ سُدُسَهُ وَيَصُومُ يَوْمًا وَيُفْطِرُ يَوْمًا». مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ [خ 1131، م 1159/189].

1197. Абдуллоҳ ибн Амр ибн Осс розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Аллоҳга энг суюкли намоз Довуд алайҳиссаломнинг намозидир. Аллоҳга энг суюкли рўза Довуднинг рўзасидир. У кечанинг ярмида ухлар, учдан бирини ибодат билан ўтказар ва олтидан бирида ухлар эди. Бир кун рўза тутиб, бир кун оғзи очиқ бўлар эди».

Муттафақун алайҳ.

Шарҳ: Ушбу ҳадисдан кўриниб турибдики, кечаси таҳажжуд намози ўқиш олдинги пайғамбарларда ҳам бўлган қадимги ибодат. Кечаси таҳажжуд намози ўқиш учун энг афзал услуб ва вақт тақсимлаш Довуд алайҳиссаломга оид экан. У зот алайҳиссалом кечанинг ярмида ухлаб, учдан бир қисмида таҳажжуд намози ўқир эканлар. Кейин яна ётиб, олтидан бир қисмида ухлар эканлар. Демак, вақтида ухлаб, вақтида таҳажжуд намозини ўқир эканлар. Бу ўртача иш тутишдир. Кечанинг ҳаммаси ғафлат уйқусида ҳам ўтказилмайди, кечаси билан намоз ўқиб, уйқудан қолиб қийналмайди ҳам.

Демак, ҳаётимизда меъёрида иш тутиб, вақтида ухлаб, вақтида таҳажжуд намозини ўқишимиз керак.

Фарз намоз энг афзал намоз эканига ҳеч шак-шубҳа йўқ. Шу билан бирга, фарз намоздан бошқа ҳам намозлар кўп, улардан баъзиларини ўргандик,

баъзиларини эса, Аллоҳнинг тавфиқи ила ўрганамиз. Албатта, ҳамма намознинг фазли ҳам бирдек бўлавермас экан. Баъзилари баъзиларидан афзал бўлар экан. Уларнинг ичида энг афзали эса тунги намоз экан. Чунки кечаси тинч бўлади. Ундаги намоз риёсиз, чин дилдан ўқилади. Бандалар ухлаб ётганида бандаларнинг ухламагани Роббисига муножот қилади. Шунинг учун тунги намоз ўқишга одатланиш керак.

Манба: hadis.islom.uz

